



**Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти**

**«Давлат кадастрлари» кафедраси**

**«Ер ресурсларини бошқариш» фани**

**«Ер ресурсларини бошқаришнинг  
ҳуқуқий асослари»**

**Тошкент - 2018**



# ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

## Режа:

1. Ер ресурсларини бошқаришнинг ҳуқуқий манбалари.
2. Ер ресурсларини бошқаришга оид қонун ҳужжатлари.
3. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари.
4. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари.



## Адабиётлар:

1. Раҳмонов Қ. Ер ресурсларини бошқариш. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ 2008
2. Варламов А.А. Гальченко С.А. Управление земельными ресурсами. Учебное пособие. М: ГУЗ, 2003
3. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. Т.: «Ўзбекистон», 1998. (2011 йил ўзгаришлари билан)
4. Нигматов А.Н. Ер ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т.: “Тошкент ислом университети”, 2001.



*Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 55-моддасида ер,  
ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва  
ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий  
захиралар умуммиллий бойликдир,  
улардан оқилона фойдаланиш зарур ва  
улар давлат муҳофазасида эканлиги  
таъкидланган.*

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси*

# ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНБАЛАРИ

## КОНСТИТУЦИЯ

Халқаро ҳуқуқ нормалари:  
Шартнома, конвенция, келишув ва ҳ.к.

Ер кодекси

Олий Мажлис қонунлари ва қарорлари

Президент фармонлари ва қарорлари

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва йўриқномалари

Махсус ваколатли давлат органларининг меъёрий-ҳуқуқий  
ҳужжатлари



# ЕРГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

- ер ажратиш, уни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш юзасидан давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган ер ҳуқуқи нормалари орқали тартибга солинадиган ижтимоий муносабат туридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган қонунда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ер кодексидан ташқари ер муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- *Ўзбекистон Республикаси қонунлари;*
- *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари;*
- *Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари;*
- *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари;*
- *Вазирлик ва давлат қўмиталари ҳужжатлари;*
- *Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари.*



## ***Ер ресурсларини бошқаришга оид қонунлар хужжатларига қуйидагилар киради:***

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. 30.04.1998. йилда қабул қилинган .
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. 28.08.1998. йилда қабул қилинган.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонуни. 23.03.1994. йилда қабул қилинган.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. 09.12.1992. йилда қабул қилинган.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни. 03.12.2004. йилда қабул қилинган.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни. 15.04.1999. йилда қабул қилинган.
7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 29.08.1996. йилда қабул қилинган
8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 22.09.1994. йилда қабул қилинган ва 01.04.1995. йилдан кучга кирган
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 22.09.1994. йилда қабул қилинган
10. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 24.04.1997. йилда қабул қилинган ва б.қ.

NORMA ахборот - ҳуқуқий тизими.

Тоғ, ўрмон ва сув муносабатлари, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шунингдек, атмосфера ҳавоси объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича муносабатлар махсус қонунчилик билан тартибга солинади.

Махсус қонунларга қуйидагилар киради: ер ости; ўрмон; сув ва сувдан фойдаланиш; ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш; атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва б.қ.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,  
Ўзбекистон Республикаси қонунлари,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
палаталари қарорлари **қонунчилик**  
**ҳужжатлари** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
фармонлари, Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирлик ва  
давлат қўмиталари ҳужжатлари, маҳаллий  
давлат ҳокимияти органлари қарорлари **қонун**  
**ости ҳужжатлари** ҳисобланади.

## **Ер ресурсларини бошқариш ва ер муносабатлари сиёсатини белгиловчи қонунларга қуйидагилар киради:**

- умумий аҳамиятдаги қонунлар;
- махсус аҳамиятга эга қонунлар;
- муҳофаза этувчи аҳамиятга эга қонунлар.



Ер муносабатларини тартибга солувчи *умумий аҳамиятдаги қонунларга* қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни.
4. “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни.

Ер муносабатларини тартибга солувчи **махсус аҳамиятга эга** қонунлар сирасига қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонуни.



Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган **муҳофаз**а этувчи **аҳамиятга эга** қонунларга қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва б.қ.

**Ер муносабатларини тартибга солишда ва ер мониторинги, ер тузиш ва ер кадастрини юритишда бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинади, уларни ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:**

***1. Норматив-ҳуқуқий (Низом ва уставлар);***

***2. Меъёрий-техник (стандартлар, йўриқнома, кўрсатма ва нормативлар)***



## **Ерга оид қонунчилик хужжатларида**

- ердан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ер муносабатлари қоидаларининг талаблари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсад ва вазифалари, объект ва субъектлари, ер участкаси ҳуқуқий мақоми, юридик ва жисмоний шахслар, ваколатли давлат ҳокимият органлари ҳуқуқ, мажбуриятлари кафолати, ер қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик чоралари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида ер ресурсларини бошқариш ва ер муносабатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари алоҳида ўрин эгаллайди.

***Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати*** – Ўзбекистон Республикасида ижроия ҳокимияти органи ҳисобланади ҳамда иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

[Вазирлар Маҳкамаси таркиби.pptx](#)



# ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

---

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

# ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

---

1. Энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;
2. Ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;
3. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;
4. Қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;



# ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

---

5. Ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик ҳавфсизликни таъминлаш;
6. Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;
7. Ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш;
8. Ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш.

*Эътиборларингиз учун раҳмат !*

---